

Огоҳлиги учун обод

Сариосиё шаҳарчаси осойишталиги ва ободлиги жиҳатидан кундан-кунга машҳур бўлиб бораёпти. Кўчалар кенгаймоқда, атроф анвойи гулларга бурканаётди. Биноларнинг таъмирини кўришнинг кўчада юрган одамларнинг байрамона кайфияти ва кийими ҳам кўп нарсаларни сўзлайди. Эрталардаги бутун шаҳарни уйғотиб юборадиган сеҳрлар гўё Сариосиёга келиб таъқасини бир силкитганга ўхшайди. Бу гапни чин, дейдиганлар ҳам топилади. Ишонтиришларича, бу «сеҳрларнинг оти — маҳалла экан.

хашарларида ҳам ҳеч кимга ён бергимиз келмайди. Маъмурий бино ҳам, бешта маҳалламизнинг идоралари ҳам замонабоп қилиб таъмирланди. Хонадон дегарди 100 фоиз тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган. 9 та жамоатчилик кўмитаси, маҳалла раислари, посбонлар, педагогларни ҳамма маҳалла аҳли орасидан топасиз. Шунинг учун бутун бемаюл айта оламизки, етти йилдан етмиш йилгача эмас, янги тутилган гўдакдан мункилланган кексаларга — ҳамминг ташвишу қувончу эътибордан асло четда қолмайди.

Йил бошида йилнинг фаоллари фуқароларга ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарларига маҳаллий газета орқали муражаатнома эълон қилди. Албатта, шу муражаатдан сўнг ҳамма югуриблаш ишга тушиб кетди, деб ўйлаш соддалик бўлади. Ахир, ҳамминг ҳам ўз ташвишу ўзгариши Қарши шаҳрига жўнаб кетган. Нафақат спортда, балки заковатда хонадонларнинг таъмирлашда, тўйларни бежирим ўтказишда умумлаш

ташкилот ва хонадонларни бўлиб берди. Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қароридан «Мазкур дастур маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тар-

Маҳалла — демократия мактаби

зи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасида фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин», дейилади. Йилнинг ҳудуддаги Мирзо Улуғбек номи маҳаллада йўлга қўйилган ишлар билан танишганимизда, ҳукумат қарори ижросини таъминлашнинг ўзидек маҳаллалар мактабини қанчалик юксакка кўтариши мумкинлигини кўрдик. Ўзбекининг урф-одати унинг ўзидек меҳмондўстликка, ўзга манфаатини ўзиникидан устун кўришга, филокорликка асосланган.

Маҳаллалар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарликнинг олдин олишда ҳам жамоатчиликнинг

ўзига хос таъсир кучидан фойдаланишда. Бошқа жойларда қандай, лекин Шарқда тартиббузар ҳақида ўзини бевоқиф қилиб қолган кишиларнинг нигоҳидан ҳайқилиши тайин. Маҳалла фаоллари айрим одоб-ахлоқ қоидаларини писанд қилмайдиганларни кўпчилик ўртасида уялтирилганларидан бу усул ҳоқ қонуний жазодан ҳам ҳайқийдиганларнинг популин пасаитириб қўймоқда. Ҳуқуқбузарликнинг йил сайин камайиб бориши ҳам балки шу билан изоҳланадир? Бу кўрсаткич 2003 йилнинг тўрт ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан элик фоизга камайди. Яъниким тўрттадан иккитига тушди. Булар ҳам жаримага тортилганнинг энгил турдаги ҳуқуқбузарликларидир.

— 30 йилдан бери милиция соҳасида хизмат қиламан, — дейди маҳалла профилактика катта инспектори, милиция майори Рамазон Омонқуллов. — Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борисида фуқаролар кейинги йилларда жуда фаоллашдилар. Бунда маҳалланинг

ўрни катта. Қонунчиликни тарғиб қилишда ҳам маҳалла бизга қўл-қанот. Яқинда маҳалла кўмитаси туман прокурори Эрмат Мелановни тақдир этиб, фуқаролар билан савол-жавоб, тушунтириш-тарғибот тадбири ўтказди. Ҳокимлик, диний ташкилотлар вакиллари ҳам ягона мақсад — жамиятимиз осойишталиги йўлида тарғибот тадбирларини маҳаллаларда ўтказмоқда. Бўлимизда кечаю кундуз «Ишонч телефони» ишлаб турибди. Ешлар ўртасида тийжандлик-қўллапарастлик, терроризм каби иллатларга қарши ташвиқот олиб бораётиб.

Хар жойда бўлганидек, Сариосиёда ҳам боқиманда одамлар топилади. Фаолликка ундаганларга улар мудоим бир хил жавоб айтишади: ташкилот менга нима қилиб берапти? Аммо бундайлар сира «Маҳалла менга нима қилиб берапти?» дея олмайдилар. Маҳалла киндигини кесилдан тортиб, вафотидан сўнг, қабрини обод қилиб, хотирлаш маросимлари ўтказиб инсонга мудоим хизматда. Айтганча, меҳнат бозори ҳам ташкил қилиниб, ёшлар иш билан таъминланаётди. Коммунал тўловларни йиғиндан тортиб, аразлашган эрхотинни яраштиришга ҳам бўлган ишларда маҳалланинг ўрни бор. Маҳалла посбони эса туларни одамларнинг оромини ўйлайди.

Айтиш мумкинки, «Обод маҳалла йили» дастури ҳаётга тула табиқ этилиши жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги маҳалланинг роли ва мақоми янада мустаҳкамлайди.

Олимжон УСАНОВ,
Қудрат ХУДОБЕРДИЕВ,
Сурхондарё вилояти.

Бозор инфратузилмаси

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш, уларга етарли шароитлар яратиш нафақат ҳукуматимизнинг, балки шу соҳага бевоқиф алоқдор ташкилотлар олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодиётининг бундай инфратузилмасини ривожлантирмасдан туриб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда юксалишга эришиб бўлмайди. Буни яқин ҳис этган Қашқадарё вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлар палатаси Маҳкамасилари ҳудуддаги мавжуд кичик ва ўрта корхоналарда маркетинг тadbirkorлиги ўтказишди.

Қашқадарё: ЧЕТДАН САРМОЯ, ТАШҚАРИГА МАҲСУЛОТ

Мақсад янги бозор инфратузилмасига кўпроқ хориж инвестициясини жалб этиш орқали уларнинг экспорт имкониятини ошириш ва вилоятда нийоятда камбە ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ибрат этиш. Шу боис Фузур туманидаги ўрта корхоналар сирасига кирувчи «Эл ҳақи» ҳиссадорлик жамиятига 2,1 миллион АҚШ доллари, Яқкабоғ туманидаги «Мўйна» кичик корхонасида чинни уни ишлаб чиқариш учун 350 минг доллар ажратиш, шунингдек, «Қашфармтекс» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида тиббий момиқ ва доқа, «Шаҳоб-Шоҳжаҳон» ёпиқ ҳиссадорлик жамиятида электрод, «Олтин бошқоқ-1» фирмаси ҳамда «Яқкабоғтекс» қўшма корхонасида бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни молиялаштириш кўзда тутилган. Палата маъмурияти ушбу йирмик микдордаги инвестиция лойиҳаларини республикамизнинг энг кўзга кўринган, йирмик банкларига тақдим этиди. Лойиҳалар тўғрисида амалга оширилса, нафақат вилоятнинг экспорт имконияти ортади, балки ички бозоримизни ранго-ранг маҳсулотлар билан янада тўлдириш мумкин бўлади.

Айтиш лозимки, жамоамиз биргина инвестиция лойиҳалари билан чеклиниб қолганича йўқ, — дейди палата раиси Баҳодир Остонов. — Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг улгуржи биржа ва савдо кўргазмаларидаги иштирокини таъминлаш, уларни кредитлаш борисида ҳам кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, шу йилнинг бошида «Қашқадарёўлгуржисавдо» ҳиссадорлик жамияти, республика Товар-хонамашё биржаси вилоят бўлими, «Қашқадарёўлгуржисавдо» шўба ҳўжалик жамияти томонидан ташкил этилган биржа ва кўргазма сав-

доларида қарийб 2118 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди. Савдо биржалари орқали уларга 556,36 миллион сўмлик энг зарур моддий-техника ресурслари сўмлаб берилди. Бундан ташқари, ана шу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг реклама қилиш мақсадида «Мароканд» кўп тармоқли ахборот аламининг тизимига 245 нафар тadbirkorнинг 760 тадан ортиқ маҳсулоти киритилди. Булардан барча мижозлар хабардор бўлиш имконини берди.

Шу йилнинг дастлабки чорагида эса тadbirkorлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2215 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу маблағларнинг асосий қисми тижорат банклари, қолган қисми эса бюджет маблағларидан ташқари фондлар ҳисобидан берилди.

Палата қoшида ташкил этилган «Ахборот-маслаҳат» маркази ҳам уларга ҳаммаслақ, ҳам-қўриқ сифатида яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Таъсис ва кредит ҳўжаллари, бизнеспойлаҳлар ҳамда уларни қўзиқтирган ахборотлар билан таъминламоқда. Ўз навбатида тadbirkorлар савдохонлигини ошириш борисида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Шаҳрисаб туманидаги «Шаҳрисаб» бизнеспойлаҳори шу йилнинг бошида Халқаро Евроосиё жамғармаси томонидан ажратилган 11823 АҚШ доллари микдордаги грант асосида тadbirkorларнинг ҳуқуқий савдохонлигини ошириш бўйича курсларни ташкил қилишни йўлга қўйди. Унга йил охирига қадар жами 200 нафардан зиёд тadbirkor жалб қилиниши кўзда тутилган. Палата қoшида «Ишонч телефони» та тушаётган муражаатлар эса ўрганилиб, тегишли чоралар қўрилмоқда.

«Бизнес-фонд»: маблағ биздан, ишлаш сиздан

Қашқадарё вилояти «Бизнес-фонд» бошқармаси жамоаси шу йилнинг дастлабки чорагида кичик бизнес субъектларидан тушган лойиҳа ва тақлифларни ўрганиб чиқиб, жами 127244,5 минг сўмлик молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширди. Бунинг натижасида 254 та янги иш ўрни яратилди. 50102 минг сўмлик маблағ банклар орқали тadbirkor-

ларнинг ҳисоб рақамларига кўчириб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 192,7 фоиз кўп, демаскир. Шунингдек, вилоятда яқка тартибда фаолият кўрсатаётган бир тadbirkorга бошқарма томонидан 1016,0 минг сўмлик ускуна лизинг асосида расмийлаштириб берилди.

Биржа савдоси ва ишбилармон

Корхоналарнинг маҳсулотларини хорижга экспорт қилишда биржаларнинг ўрни беҳисаб. Республика Товар-хонамашё биржасининг Қашқадарё вилояти филиали ана шундай биржалар сирасига кирди. Ўтган вақт мобайнида ана шу биржа орқали вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аксарияти Россия, Бела-

рус, Украина, Англия, АҚШ ва Бирлашган Араб Амирликларида ўз харидорини топди. Жумладан, шу йилнинг дастлабки чорагида жами бир миллион 365 миллион 887,2 минг сўмлик савдо шартномалари тузилган бўлса, шундан 18 миллион сўмлик экспорт, 60 миллион 860 минг сўмлик импорт, қолган қисми республи-

ка ички бозорларини тўлдириш мақсадида тузилган шартномаларни ташкил этиди. Шунингдек, чорвачилик билан шўғулланадиган ширкат, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига яқиндан ёрдам кўрсатиш мақсадида уларга «Кимощи» савдолари орқали салкам уч юз тонна шрот ва шунча микдорда шелуха сотилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ишлари катъий режа асосида олиб бори-

Банк ва имтиёз

Ўтган йили «Ўзуйғоажамғармабанк»нинг Қашқадарё бўлими томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг жами 716,3 миллион сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кре-

дитлар ажратилди. Шундан 15,2 миллион сўм «Бизнес-фонд» маблағлари ҳисобидан берилди. Ушбу маблағларнинг 137 миллион сўми ишлаб чиқаришга, 81,8 миллион сўми

эса қишлоқ ҳўжалиги соҳасига йўналтирилди. Шу йилнинг дастлабки чорагида эса кичик ва ўрта бизнес субъектларига 181,4 миллион сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кредит маблағлари ажратилди.

«Мадад»нинг тadbirkorга мадади

Банклар томонидан ажратилган кредитларни қайтара олмаслик ҳавфини суурталаш, гаровга қўйилган, кредитга олинган мол-мулклар, транс-

порт ва бошқа воситаларни табиий офат ва бахтсиз ҳодисалардан суурталаш вазифаси республика «Мадад» сууртара агентлигининг вилоят бўлими

жамоасига юклатилган. Ушбу агентлик мутахассислари томонидан борада тadbirkorларга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Хусусан, еттига тadbirkor ва ташкилотнинг 4139,4 минг сўмлик қарзи узилиб, табиий офатлардан қўрган зарари тўланди.

Баҳодир ОСТАНОҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Йўллар эзгуликка етаклайди

Кафтай текис, четига анвойи гуллар ўтқазилган йўлдан юрсангиз, кайфиятингиз кўтарилиб, манзилга қандай етганингизни сезмай қоласиз. Бундай манзара мамлакатимизнинг ҳар бир гўшада учрайди. Тўрақўрғон тумани автомобиль йўллари бошқармаси жамоасининг мақсади тасарруфидоги йўлларнинг барчаси ҳавас қиладиган даражада бўлишига эри-

шиш. Айни пайтда 19 километр узунликтаги «Тўрақўрғон-Чуст» марказий йўли мукамал таъмирдан чиқарилапти. Маълумотларга қараганда, у сўнгги бор 1975 йили асфальтланган экан. — Сир эмас, ўтган йилдаги сурункали ёгингарчиликлар туфайли йўлларнинг катта қисми абгор ҳолга тушди, — дейди бошқарма бошлиғи Исроил Ҳасанов.

— Аввало, шундай жойларни эпакга келтирдик. Эндиликда марказий йўлга ҳар томонлама ишлов беряптиз. Унинг эни 16 метр бўлиб, бир пайтнинг ўзиде тўрт қатор транспорт воситаси қарақатлана олади. Иш сифати доимо назоратда. Чунки бирор нуқтада технология бузилса, бутун қарақатимиз чиппақка чиқади. Турмушимизнинг барча жабҳаларини жаҳон андо-

заларига мослаётган эканмиз, йўлларимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак. Шу боис Тўрақўрғонда йўлларнинг метёрий талаблар даражасида қайта қуришга эътибор қаратилапти. Ҳозиргача 7000 тоннага яқин асфальт ётқизилиб, 3000 погон метрдан зиёд бетон ҳoшиялар ўрнатилди. Бу ишларни амалга ошириш учун 70 миллион сўм маблағ сарфланди. Йўл четла-

рини кўкаламзорлаштиришда эса барча меҳнат раишларни кўмаклашмоқдалар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: йўл устаси Икром Мамадалиев, бошқарма бошлиғи Исроил Ҳасанов, ишчи йўлдошлари Турғуннов, иш юритувчи Турғунпўлат Халилов навбатдаги вазифаларни белгилаб олишяпти; таъмирланган автомобиль йўли.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сууртлар.

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

Бугунги кунда Универсиада ташкилотчилиги олдида турган шакиф — унда иштирок этишига мумкин қадар кўпроқ талаба ёшларни қоралашга эмас, балки мусобақаларнинг сифатини ва самаралилигини оширишлар. Хусусан, олий ўқув юрларининг талабалар «Талаба» спорт уюшмасига бирлаш-

ган спорт тўғарақлари тармоқларини кенгайтириш ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган. Яқинда у итиссослашган Бутунжаҳон талабалар уюшмаси FISU нинг аъзоси бўлди. Олинган йилларда Бутунжаҳон талабалар йўлларидо Ўзбекистон вакиллари қатор олтин,

кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган эдилар. Шу каби нуфузли халқаро мусобақаларда талабага эришиш мамлакатимиз обрўсини кўтарди, ёшлар орасида оммавий спортни ривожлантиришга қаратилган ҳамхўрликнинг амалий натижаси бўлиб қолади.

Республика олий ўқув юрларини учун Жанубий Кореяда шу йил августда бўлиб ўтадиган йўлларда иштирок этиш улар учун ўзига хос имтиҳон бўлиб қолади. Инглиш иштирокчилари учун замонавий спорт либослари кўргазмаси ташкил этил-

ди. Ундаги моделлар Тошкент тўқимачилик ва энгил соно институти дизайнлари томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти тасдиқланган ҳамдир. Республикаимиз корхоналарида ана шу моделлар асосида турли тоифа мусобақалари иштирокчилари учун ўзига хос спорт кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

А. ИВАНОВА,
Ў.А. мухбири.

Армон

Олий Мажлис сессиясида Президент Ислам Каримовнинг Буюк Алишер Навоий, унинг порлоқ хотираси олдида бурчли эканлигини ҳаққоний сўзларини тинглаган эканман. Бейхитёр бундан ўн уч йил муқаддам Афғонистонга қилинган сафар хотирамда жонланди. Ушанда сўнгги давларнинг бошдан кечираётган собиқ иттифоқ киланшалари тобора бўшашиб, республикалардаги иқолий уюшмалар айрим хорижий мамлакатларнинг ўхшаш ташкилотлари билан илк бевосита алоқалар боғлашга ижозат олган эдилар. Менга ўзбек журналисти сифатида иолнинг охири, август ойи бошларида, Афғонистон журналистлар уюшмаси тақлифига кўра, ушбу мамлакатда бўлиш насиб этиди.

этишдан бошлашга муяссар бўлиб. Боги Бобур Кобул шарқидоги баҳаю жойда жойлашган экан. Ун иккинчи йилдан бунёд давом этиб келадиган уруш бoғ фойзини ҳам ҳалок этгандек. Боққа кириваришдаги пештоқ рангларни унингиз кетган, давлат корхоналари, муассасалари, бошқа жамоат жойлари каби бoғ ҳам қуролланган аскарлар томонидан қўриқланаётганидан. Боғ қаровисиздан анча хароб ҳолга келган.

Кириваришдан чап томонда қаттиқда Ҳиндистонга қайтган. Боғ ўша келарда бунёд этилган. Азабарой ёқтириганидан Бобур ўзини шу ерда дафни этишларини васият қилган. Маълумки, Бобур дастлаб Ат-рада дафн этилган. Инглизлар Ҳиндистонни босиб олган, набиралари Бобур хоксини Кобулта, уян айтган жойга келтирилди. Шоир ва буюк саркарда бор-йўри 49 йил умр кўрди. Унинг «Бобурнома» деган китоби ҳам мавжуд.

Улардан Боги Бобур ёдгор бўлиб қолди. Бобур Мирзо яна Боги Шахрорани, Боги Маҳтобни ҳам барпо ни бирлаштириш юзасидан билдирган фикрлари ва Афғонистоннинг янги ҳукумати билан борада тегишли муозакаралар олиб боргани жуда ибратли бўлди.

рўйхатдан ўтказиш ва ободонлаштириш юзасидан барча вилоятларда ҳам тегишли амалий тadbirkorлар ишлаб чиқилмоқда. Шу ўринда бу савобли иш нафақат Маданият ишлари вазирлиги, «Олтин мерос» жамғармаси тизимларидаги, балки юртимиздаги барча корхона ва ташкилотлар, шунингдек, ҳар бир фуқаронини ошмаслиги муваффақиятлик амалга оширилган алоҳида таъкидлаш керак.

Шу кунларда вилоятлардаги чекка қишлоқларда юриб, қадимий

Муносабат

да «Темурийлар даври ёдгорликлари» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди. Амалий аҳадиети беҳисаб бўлган ушбу конференцияда нафақат ўзбек олимлари, балки бир қатор хорижий давлатлардан йирмик мутахассислар иштирок этишди. Улар ободларнинг музей жамғармаларини сақлаш, қадимий меъморчилик услуби ва қошиқлар рангларни тарқитиш борисида замонавий фан ютуқларидан фойдаланаётган ривожланган мамлакатлар таърибаси ҳуусида сузлашди. Бу бoғ таърибда миллий меросимизни авайлаб-асрашда ақсоқоли, табиийдир.

Юртбошимиз Оқсарой қароргоҳида боллар спортини ривожлантириш мавзусида ўтказилган мажлисда раҳбар фаолияти ҳақидо жуда ибратли фикрларни билдирдилар. Президентнинг эзгу ишларини миллат этишқоли учун, ушанда яқин ҳоно қолдириш мудоаси билан бажариш лозимлиги ҳақидоги гаплари, назаримда, Олий Мажлиснинг яқинда ўтган сессиясидаги буюк болларимиз меросини авайлаш ҳақидо айтилган донишмандона фикрлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Дарҳақиқат, ҳар биримиз миллатимиз шаънини, шавакитини қўллардан ишларни ҳўжақўрсинга эмас, қадим ақли билан адо этганимизни бу борада эришилган ҳар бир ютуқдан ифтихор туймоғимиз лозимдир.

Амиркул КАРИМОВ,
«Олтин мерос» халқаро хойра жамғармаси раиси.

Кўнгули туьбидаги ният

тағина ҳовуз. Унгар тарофда эса юқоридан қуйиға зинапо шаклида гуллар эниб келади. Унгар томонда булғун наққинкор айвон. Рўнарада иккита катта чинор қад ростлаган. Чинор пойида бир гуўш ёшлар мусиқа асбобларини кўш ижро этишларди. Уларнинг атрофида боллар тўпнлаиб олшган.

Нихот, улуг бодимиз Бобур дафни этилган жойга етдик. Рўқимини тақдир зарбаларидан сарғашта бўлган ватанпараст бодимиз руҳи оғушида сездим. Боги Бобур мунтазим, 50 ёшлардан ошган Абдуваҳоб илтимосини кўра, ушбу маскан ҳақидо маълумот берди: — Боғнинг буюк бўлганига 522 йилдан ошди. Бобур ана шу баҳаю гўшага келишни хуш кўрган. Ўз қароргоҳини ана шу ерда барпо этиди. Ез ойлари бунда кечириб,

қилганлар. Қандаҳордаги Чилзанининг ҳам асосини шу киши, дейдилар. Амир Омонуллохон даврида Боги Бобур анча обод бўлди. Омонуллохон 1937 йилда боғнинг юқори қисмида катта ҳовуз қурдирган. Зияратгоҳа чиқиб келаваришдаги иккита катта чинорини қўриганимиз? Ҳинд тарихчиларининг кафолат беришларидо, бу чинорлар 480 бақорини кўрган.

Ушанда бодобокалимиз қаддам-жосини хароб аҳволда қўриб, бир эфлган бўлишам, муҳим уруш туфайли ҳазрат Алишер Навоий қабрини зиярат етолганимиздан ўн чандон армонда қолган эдим. Ишонманки, ушбу безнаир аждоғларимиз хоксини зиярат қилиш нияти барча юртдошларимиз қалб тубида мавжуд. Шу боис Юртбошимизнинг ушбу зияратгоҳларини обод этиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари савй-ҳаракатлари-

бошқа ташкилотлар қатори «Олтин мерос» халқаро хойра жамғармасига ҳам улуг ақлолларимиз қадам-жосинини ишлаб топши, маълумоти янада обод қилиш юзасидан тавсия ва топшириқлар берилган. Дарҳақиқат, жамғармаимиз шу кунларда халқимиз меросини авайлаб-асраш, тарғиб қилиш юзасидан Президент томонидан таъкидланган, шунингдек, ташкилот этишларини амалга ошириш борисида янги режалар ишлаб чиқмоқда. Яқин кунларда хоки Балх тупроғида бўлган шоир ва адиб Бобур-ҳим Машираб юрган йўллар ва яшб ижод этган қадамжолар бўйлаб илмий экспедиция йўлга чиқди. Бир қанча хорижий давлатларга ташрифини ўз ичига олган, икки босқичда кечадиган ушбу экспедиция ташкилий кўмитаси тadbirkorликларни ниҳоятда етказмоқда. Зияратгоҳларни аниқлаш,

ашёларни маълум микдордаги пул ёки замонавий буюм эвазига йиғиб-териб кетаётган айрим қисмалар пайдо бўлгани ҳақидо маълумотлар келмоқда. Уларнинг аксарияти шахсий маблағ орттириш, одамларимизнинг соддаликларидан фойдаланиб, арзиман маблағлар эвазига беҳадо бойлигини қўшин мамлакатларга ўтказиб сотишдек калтабин ниғтиларни қўла-танлар. Улғитимизни англаб етишдаги миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси ана шу каби зараркуналлардан фаолиятга муносиб бoғ беришда ақсоқили керак. Зеро, йўқотилган, контрабанда йўли билан ташиб кетилган бойликларимизни тиклаш, қайтариб олиб келиш юзга мўшкулдир.

Ҳа, мерос ва қадриятларни авайлаш, тарғиб қилишдан ҳеч бир ташкилот четда туриши керак эмас. Бу жараи миллий ифтихор, ўзликни англаш, ватанпарварлик туйғуси билан чамбарчас боғлиқдир. Қаердаки шу туйғулар юксалар экан, бошқа кўрсаткичлар ҳам раванқ топиши аён.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентини қузуридаги Давлат ва жамият қурулиши академияси фаолиятига эътибор қаратмоқни жоиз деб биламан. Бу мўътабар ташкилот раҳбарияти ўз вазифалари қаторида олтин меросимизни, қадриятларимизни ўзига хос йўллар билан авайлаб-асраш, тарғиб этиш, турли савобли хайрия ишларини амалга оширишда ҳам ибратли ишлар

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, тафаккур ва заковати одам ақлини доимо ўзига ром этиб келганлиги тарихдан маълум. Зеро, бу-гун ҳам бу заминдаги аҳоли турмуши, маданий ҳаёти, санъатига қизиқатган ва уни ўрганаётган чет эллик дўстларимиз анчагина. Айни вақтда бир қатор ҳорижий илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг мамлакатимизда фаолият олиб бораётганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Жумладан, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти (IFEAC) шулар сирасига кириши. Мазкур институт 1992 йили Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги университетларга илмий ҳамкорлик ва тадқиқот бошқармаси ҳошида ташкил топган. У уч йўналиш — француз ва Европа тадқиқотчилари томонидан ҳудудларни ўрганиш, маҳаллий тадқиқотчиларни ижтимоий фанларнинг янги тармоқларига тайёрлаш, Франция ва Европа ҳаёти билан яқиндан таништириш бўйича фаолият кўрсатади. Институнинг илмий тадқиқотчилари томонидан тарих, этнография, адабиёт, тилшунослик, археология каби фан соҳалари бўйича «Тошкент шаҳарсозлигининг ривожланиши», «Марказий Осиё қишлоқларида ўзгариш», «Ўзбекистонда маориф орқали миллий ўзликни англаш», «Марка-

зий Осиёда тарқалиб кетган қўлэмаларни рўйхатга олиш», «Ўзбекларда байрам, тўй, зиёфат каби тантаналар мазмуни ва амалиёти» сингари бир қатор мавзуларда илмий изланишлар олиб бориляпти.

IFEACнинг кутубхонаси бошқа кутубхоналардан китобларнинг замонавийлиги, ноёб ва жуда қимматлиги билан ажралиб туради.

— Бизнинг кутубхонамиз имкон даражасида Марка-

Виз ва дунё

зий Осиёда чоп этилган қадимий ҳамда замонавий илмий асарларни тўплайпти, — дейди институт маъмури Умид Убайдуллаев. — Марказий Осиё республикалари ва бошқа давлатлардан узлуксиз сотиб олинаётган китоблар ҳисобига бойиб бормоқда. Бугун бу ерда 10 минг нусхага яқин китоб, 2 мингдан ортиқ газета ва журналлар, бир қанча рисола, қўлэмалар фонди ва хари-талар мавжуд. Шунингдек, 1917 йилги инқилобдан олдинги рус, форс ва чингаой тиллардаги асарлар ҳам бор. Аниқроқ қилиб айтганда, кутубхонамиз архив вази-фасини бажармоқчи эмас, балки тадқиқотчиларга ўз соҳа-сида иш қуроли бўлиб хиз-мат қилишни кўзда тутди. Бу ердаги информатика тар-моқлари, қироатхона, фото-нуска бўлими талаба ва тад-

қиқотчиларга яқиндан хизмат кўрсатмоқда.

Мазкур институтда 1996 йилдан буён «Марказий Осиё» дафтари (Cahiers d'Asie centrale) журнали бир йилда бир марта чоп этилади. Бу журналда илмий тадқиқотчиларнинг ишлари ёри-тилади. 2002 йилда Парижда «Марказий Осиё кутубхона-си» номи тўплам ҳам бос-мадан чиқди. Унда бу ҳудуд-даги илмий изланишлар са-маралари, қадимий ва ноёб китобларнинг мазмуни, тур-ли фан соҳалари бўйича ил-мий мақолалар ҳақида қим-матли маълумотлар берилган. Шунингдек, бу ерда «Самарқанд-дан Бухорога мусиқа кунла-ри», «Самарқанднинг мовий ранглари» каби музика асар-лар ўрин олган компакт диск-лар ҳам чиқарилиди.

Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти ўзбекистонлик тадқиқотчи-ларга ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Қўлаб инсти-тут ва университетларимиз билан ҳамкорлик доираси кенгайиб бормоқда.

Мазкур институт Европа халқларининг Марказий Осиё заминининг тарихи, ма-данияти, санъати, бугунги ҳаёти билан яқиндан тани-шишлари учун имконият-лар эшигини очиб берди. Зеро, кўнгилда ўзбек халқи-га эзгу нияти, дўстлиги бор инсонлар бу эшикдан бема-лол кириб келаверадилар ва ҳамкорлик қилаверадилар.

Нурали ШОДИЕВ.

Учрашув

Яқинда Тошкент вилояти ҳўжалик суди ташаббуси билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси «Ер кадастри» шўъба корхонаси ҳамкорлигида Паркентда семинар-мулоқот ташкил этилди. Унда туман ҳокимлиги, ҳўжаликлар раҳбарла-ри, фермер ва пудратчи деҳқонлар, қишлоқ ҳўжалиги-га хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Судьялар деҳқон ва фермерлар ҳузурда

Дастлаб вилоят ҳўжалик суди судьялари, туман ҳоким-лиги вакиллари бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида ўтказилаёт-ган ислохотлар, хусусан, Пре-зидентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги Фармони моҳияти ҳақида сўзладилар. Фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг ҳўқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳўжалик суд-лари томонидан амалга оши-риляётган ишлар тўғрисида ҳам гапириб бердилар.

Шундан сўнг мулоқот иш-тирокчилари ўртасида қизгин баҳсу мунозара, савол-жавоб-лар бошланди. Икки соатдан ортиқ давом этган мазкур му-нозарада тўлов интизоми, шар-тномавий муносабатлар, деби-торлик ва кредиторлик қарз-ларини суд орқали ундириш чора ва тартиблари, турли хиз-мат кўрсатувчи монопол таш-килотлар билан қишлоқ ҳўжа-лик маҳсулотлари ишлаб чи-қарувчилар ўртасида юзага ке-ляётган муаммолар хусусида сўз юритилди.

Муҳим жиҳати шундаки, ҳўжалик суди судьялари айрим фермер ва деҳқонларнинг ўз

ҳўқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга тақдим этимоқчи бўлган даъво ариза-ларини шу ернинг ўзида қабул қилдилар. Дарвоқе, бундай амалиёт ҳўжалик судларида анча илгари бошланган ҳамда тадбиркорларнинг мазкур ян-гидикдан мамнун эканликла-ри биллиниб турарди. Зеро, бу билан айни мавсум пайтида уларни ортиқча овора қилиш-нинг олди олинади. Айниқса, ишдан сўнг, яъни соат 19.00 да бошланган бундай мулоқот-ларда қатнашиш ҳеч кимга малол келмайдди. Яна бир гап. У ўта самимий, ошкоралик, очиклик руҳида ўтди.

Хуллас, деҳқон ва фермер-лар ўзларининг ҳўқуқий би-лимларини ошириш учун ҳўқуқий тарғиботнинг айнан ана шундай кўринишидан кўпроқ фойдаланиш истагини билдиридилар. Мутасаддилар, мутахассислар, айниқса, ҳўқуқшуносларнинг бундай ташрифлари фақат фойдали бўлишини таъкидладилар.

Ўз мухбиримиз.



Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Иқтисодий лойиҳалар ҳам тузилади

Исроил ва Фаластин ҳўкумат делегациялари яқин кунларда ҳамкор-ликда иқтисодий лойиҳалар тузиш учун учрашув ўтказишмоқчи. Бу ҳақда Исроил ташқи ишлар вазири Силван Шалом Иорданияда жажон иқтисодий форуми доирасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилди. Бундан бирмунча ав-вал Шалом Фаластин молия вазири Салом Файйёд билан музокаралар ўтказганди. Унда Ҳазо секторидида са-ноатни қайта тиклаш масалалари му-ҳокама қилинган эди.

Ha erets

Нефть қувуридаги портлаш

Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг маълумотиға қараганда, Нигерияда нефть қувурининг портлаши оқибат-ида 125 нафарга яқин киши ҳалок бўлди. Ҳодиса 13 июнь кунни Абиа штатидаги Амаокве-Огуге қишлоғи-да содир бўлган. Портлаш қишлоқ аҳолисининг нефть қувуридан хома-



шэни ноқонуний қуйиб олаётганида юз берган. Нигерия ҳўкумати вакил-лари воқеадан уч кун ўтказ илк яра-дорлар шифоналарга келтирилгани-дан сўнггина хабар топишган.

Reuters

Тошқинлар

Келтирган зарар

Афғонистоннинг шимоли-шарқидида сурункали ёмғирлар оқибатида юз берган тошқинлар 13 нафарга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлди. Улардан 3 нафари болалардир. Ба-дахшон вилоятида 25 та уй вайро-нага айланди, юзлаб гектар экин майдонлари ҳам сув остида қолди.

Associated Press

Рўйхатдан ўчирилди

Жажон соғлиқни сақлаш ташки-лоти Хитойнинг Сянган(Гонконг) ҳудудини гайриоддий зотилжам тарқалаётган минтақалар рўйхатидан ўчирди. Бу ҳақда Гон-к о н г д а охириги мар-та касаллик қайд этил-г а н и д а н кейин икки инкубацион давр — 20 кун ўтганидан сўнг эълон қилинди.



Интерфокс

Тожикистонда референдум

Тожикистонда мамлакат Конституциясиға ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича референдум бўлиб ўтди. Мам-лакат Мар-казий сай-лов комис-сияси раи-си Мирзо-ли Болту-е в н и н г маълумоти-ға қараган-да, Конституцияға қўшимча ва ўзгаришлар киритишни референ-дум қатнашчиларининг 92,9 фоизи қўллаб-қувватлади. Сийёсий тадбир якунларига кўра, мамлакатнинг амалдаги президенти Имомали Рах-монов 2006 йилда президентлик ва-колати тугаганидан сўнг ушбу ла-возимга яна икки марта етти йил-лик муддатта сайланиш имконияти-ға эга бўлди.

«РИА Новости»

Антиқа сайлов

Ямайканинг Сент-Мэри округида маҳаллий парламент сайловларида голиб танга отиш орқали аниқлан-ди. Маҳаллий газеталардан бири-нинг хабар қилишича, голиблик Ямайка Халқ миллий партияси ва-кили Патрик Уайтга насиб қилди. Уайт ва унинг рақибни, муҳолифат-даги Меҳнат партияси вакили бир хил овоз тўплаганидан сўнг Марка-зий сайлов комиссияси раиси би-рон томоннинг ёнини олмаслик мақ-садида голибни танга отиб аниқ-лашга қарор қилди.

Reuters

Буюкликнинг таянч нуқталари

Хар гал Тошкент теле-минорасида айланар эканман, ўзимни худди она-юртим — Нурота тоғларида юр-гандек ҳис қиламан. Учта ба-қувват оёққа таянган бу улғу-вор балиндикдан узоқ-узоқ-ларни кузатиш завқ бағишлай-ди менга.

Тошкент телеминорасининг учта оёққа қурилганлиги саба-бини ҳали дишейла ўқиб юр-ганимда тушунганман. Геомет-риядан маълумки, учта нуқта-дан фақат битта текислик ўта-ди ёки бошқача айтганда, учта нуқтага таянганлар доимо бир

текисда туради, йиқилмайди. Ушандаёқ телеминорамизнинг мукамал қурилганлигига ишонч ҳосил қилганман.

Бугун Конституциявий ҳўқуққа оид маърузадан чиқар эканман, устозимдан Консти-туциямизнинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Респуб-ликасида давлат органларининг тизими ҳўқимиятларнинг қонун қўқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳўқимиятига тақсимла-ниш принципиға таъйиниши ҳамда унинг ижобий томонла-рини тушуниб олдим.

Ҳўқимият тақсимланиши

тамоийли давлатчиликнинг му-ҳим белгиси эканлигини би-либ, унинг тарихий манбада-рига қизиқдим. Дунё мамла-катлари давлатчиликда ҳўқи-мият турлича тақсимланган. Узоққа бормаийлик, собиқ шўролар даврида коммунистик мафкураға асосланган тотали-тар давлат ҳўқимияти қилиб, ҳўқимият бўлиниши бутунлай инкор этилган, охири-оқибатда бу тузум пароканда бўлиб ке-тган.

Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Кон-ституциямизға киритиладиган

ўзгаришлар муҳокама қилин-ди. Бунда асосий эътибор ҳўқи-миятимиз учала шўқобчасининг мувозанати ва тенглигини таъ-минлашни янада уйғунлашти-ришиға қаратилди.

Муस्ताқиллик шарофати бил-дан юртимизда ҳам давлатчи-ликнинг тарих синовларида синналган энг уйғун шакли таъ-минланди. Ҳўқимиятимизнинг учала шўқобчаси бир бутун бўлиб, давлатнинг ягона тизи-мини ташкил этди. Қўнунчи-лигимиз улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳўқимиятға даъвогарлик қилмаслигини қа-

волатлайди. Худди шунингдек ҳўқимиятининг учала шўқобча-си ҳам ўз ваколатларини бош-қаларға бермайди.

Мен ёш мустақил давлатчи-миятни Тошкент минорасиға менгзадим, ниятим Ватанимиз мустақиллиги асрлар оша дов-руқ таратсин! Давлатчилиги-миятимизнинг учала шўқобчасини телеминорамизнинг бақувват суянчиқларига қиёсладим, зеро, ҳўқимиятининг қонун чи-қарувчи, ижро этувчи ва суд ҳўқимиятига тақсимланган учала шўқобчаси ҳам тобора ку-чайсин, буюк келажакимизнинг таянч нуқталарига айлансин!


Раъно ҲУСАИНОВА,
Тошкент давлат юридик институти III ҳўқуқ факультети талабаси.

GSM UZDUNROBITA first cellular

Ёқимли ЁЗГИ ЯНГИЛИК!

АНДИЖОН ВА АСАКА

ШАҲАРЛАРИДА ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ



ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИДА

ХАЛҚАРО SMS ТАРМОҚЛАРИ МУШТАРИЙЛАРИ БИЛАН

MTC МЕГАФОН cell TELSIM

(Россия) (Россия) (Қозғистон) (Швейцария) (Туркия)

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ:
УСМОН ЮСУПОВ КўЧАСИ, 16-УЙ ("ААБЭАК")
1300909, 13 10909, 1030909
"UZDUNROBITA" КК ТЕЛЕФОНЛАРИДА - 611
WWW.UZDUNROBITA.UZ

NEW!

GSM тармоғиға УЛАНИШ:

SIM-КАРТНИ ПРОГРАММАЛАШТИРИШ

ГАПЛАШУВЛАР УЧУН ОЛДИНДАН ТўЛОВ


5\$

25\$

Plus

ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ 1 ИЮЛГАЧА БЕПУЛ!

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: 90909; ЎЛКЕРА: 70909; ЖИЗЯК: 79909;
НЙСКО: 10909; ҚАРШИ: 20909; НАВОЙИ: 29909;
НАМАНҒАН: 12909; САМАРҚАНД: 80909; ТЕРМЭН: 29909;
ҒАЛШТОН: 40909; ҒАРҒОН: 10909; ЎРҒАНЧИ: 10909;
САМАЛК: 80909; БЕКОВОН: 23466; 1-СЕНОВИ: 29009;
ЧИРЧИК: 69909; ЯНГИЙУЛ: 40909; ШАҲРИСАБИ: 21900



гинчи йилларида Куйи Амударё воҳасида йулбарс жуда кўп эди. Эсимда, ўттинчи йилларнинг ўрталарида ҳар пайшанба кечкурун «Азлар-бобо» қабристонига денгиз томондан бир гала йулбарс изма-из келар, уларнинг олдидан қорақулоқ деган жонивор қаттиқ овоз бериб, тўда

Йулбарс билан ярашиб

Кунгиротда ўринбой овчини билмайдиган одам кам. У кишининг Уст Юрт шамолларида кўпирган қонига овчилик сир-синоатлари сингиб кетган. Ёши етмишдан саккиз йил ошди-ю, ҳали ҳам баҳслашса отган ўқини қакликка бехато теккиза олади. Бу борада унга тенг келадигани Кунгироту Кийиксойда, Ойбуйру Оққалъада топиб бўлмайд.

— Сўз милтиқдан чиққан ўққа ўхшайди. Етти марта ўйлаб бир гапириб керак. Токи «ўқ»нинг бошқа бир нишонга бориб тегмасин. Кимнингдир дилига озор етказмасин. Албатта, ҳаётда ҳамма нарса мўлжаллаганидек бўлавермайди, — шоп мўйловини силаб тап бошлайди овчи. — Мана, мен неча марта қашқир учун қопқон қўяман-у, қопқонимга кўпинча шохол ёки тулки тушаверади. Биласизми-йўқми, оқ қашқирлар қопқонга тушган шохолни ҳам, тулкини ҳам аяб ўтирмайди. Мен ол-

миш йилдан буён Уст Юрт қашқирларининг кетида тушганман. Олтишта қопқоним бор. Кўп марта қашқир билан рубарў келганман. Бир гал қопқонга тушган қашқир газаб билан тўғимнинг енгини тишлаб олган. Яна бир шад этса, қ у л м н и ғажийдиган. Шартта қароқчининг кекирағидан қаттиқ бўғдим. Қашқирнинг яна бир феъли борки, у қонганда кўпинча пастқам жойлар эмас, очик ялангидан йўртиб кетади. Бўрида қирқ одамнинг юраги бор-у, бир одамнинг қуввати бўлади. Йулбарсда эса қирқ одамнинг қуввати бўлса-да бир одамнинг журтати йўқ!

— Бундай ҳубосага келганингизнинг сабабини биласизми?


— Бўлади. Нега бўлмас экан? Биз тенги одамларнинг болалиги айнан йулбарслар орасида кечди. Утган асрнинг ўттинчи, қирқинчи, элли-

келатганидан оғоҳ этарди, Энг қизиги шундаки, улар ҳеч қимга озор бермас эди. 1940 йил. Қулга қамшиб ўрғани борган овулошимиз билмасдан егулик излаб кетган йулбарснинг боласини ўлдириб қўйган эди. Даргазаб йулбарс икки кун давомида овулимизга ҳамла қилди. Ҳаммамиз эшикларни тамбалаб ўтирдик. Хайратга соладиган жойи шундаки, йулбарс худди боласини ўлдириб қўйган овулошимизнинг уйи олдидан думини ерга қаттиқ-қаттиқ уриб ўтирди. Учинчи кун йулбарс овулни тарк этди. Кейин биласак, овулошимиз қанчалар яширинмасин, йулбарс йўлини топиб, ундан ўчини олган экан.

— Узингиз ҳам йулбарс билан уршганимиз?

— Ҳа. 1953 йилнинг кузи эди. Уст Юртнинг денгиз ёқасидаги қичик қўллардан бирида този итим билан к-

Табиат ва биз



Онахон талабу қондирилди

Сирғали туманидаги «Ўзғариш» маҳалласида яшовчи 90 ёшли ёлғиз онахон Сапия Шокирова тахририятимизга йўллаган мактубида дарвозаси олдидан ўтган қувур ёрилиб кетиб, ҳовлисига сув оқаётганидан, бироқ уни созлашга ҳеч ким ёрдам бермаётганидан нотанди. Биз унинг хатини текшириш ва зарур чора-тадбирлар кўриш учун Сирғали тумани ҳокимлигига юборгандик. Шу муносабат билан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. ИМОМАЛИЕВдан расмий жавоб олдик. Унда айтилишича, ушбу ҳонадоннинг совуқ сув таъминоти, ҳақиқатан ҳам, носоз эканлиги аниқланган. Шунга қўра, рўй берган камчилик туман «Сув-соз» трести томонидан бартараф этилиб, сув оқаётган жой асфальтланган. Онахон текшириш якунидан қониқиш ҳосил қилган.

Газетада босилмади, ammo...

ҲАВОДАН ПУЛ ОЛИШНИ хоҳлайсизми?!

ТАШКИЛОТ
кислород (шу жумладан медицина кислороди), азот ишлаб чиқариш бўйича **АЖ КЖ-007 русумли**

КИСЛОРОД СТАНЦИЯСИНИ СОТАДИ.

Асосий параметрлари
1. 1 соатда кислород ишлаб чиқариш 70 м³
2. Фойдаланиладиган техник мой йилига 600 литр
3. Фойдаланиладиган электр энергияси соатига 96 кВт

Мурожаат учун телефон 133-31-02.

SHAYHONTONUR TEXTILE

AYGEN COLLECTION

МАҲБУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Аёллар, болалар ва эркаклар учун юқори сифатли спорт ва трикотаж кийимлари.

Тадбиркорларни Ўзбекистон ва МДҲ бўйича дистрибьютерликка таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Шайхзода кўчаси, 1-уй.
Тел.: 116-86-57. Факс: 116-86-53.
Мулоқот учун шахс: Абдулвоҳит Ибрагимов.
E-mail: shayhontohur.textil@uzpak.uz www.shayhontohur.com



Сиз суратда кўриб турган бу дўмбоқчалар пойтахтнинг Асмад Икромов туманидаги «Дилором — Азиз» болалар боғчаси тарбияланувчилари. Шарифа Ёкубова мударалик қилаётган бу масканда болажонлар учун барча қулайликлар мўҳай. Шу кунларда эса тайёргарлик гурӯҳларида сўнги машғулотлар олиб борилаётти. Ахир мак-

табда яхши ўқшининг пойдевори боғчадан қўйиладу.

СУРАТДА: тарбиячи Малика Эшонхўжаева болаларга математикадан сабоқ бермоқда.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«Komunalizing» давлат ташқи иқтисодий унитар корхонаси 2003 йил 13 май куни газетанинг 103-сонидан чоп этилган тендер эълони бўйича ҳужжатларнинг қабул қилиниш вақти 2003 йил 26 июнь соат 18.00 гача узайтирилганини билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ «ЎЗБЕКТЕАТР» ИЖОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

ПРЕМЬЕРА

Сулаймон Юдаков

«Майсаранинг иши»

25 июнь соат 18.00да

Тўрт кўринишли ҳажвий опера
Ҳамза пьесаси асосида

С.Абдулла ва М.Муҳамедов либреттоси
Саҳналаштирувчи дирижёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фазлидин Ёкубонов.
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ҳайдарали Қосимов.
Расом — Даврон Ражабов.
Хормейстер — Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Шодманов.

Касса ҳар кун соат 10.00дан 19.00гача ишлайди.
Ахборот учун телефон: 133-90-81.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорлар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ тендер эълон қилади

- Объект номи:** Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани солиқ инспекцияси маъмурий биноси қурилиши.
Қурилиш ишларини якунлаш муддати — 2003 йил IV чорак.
Буюртмачи: Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси.
Манзили: Фарғона шаҳри, Т.Камбаров кўчаси, 31-уй. Телефон: 24-33-91, факс: 24-69-08.
- Объект номи:** Олтиариқ тумани «Олтиариқ» республика уруш ва меҳнат фахрийлари сихаттоҳи биноларини мукамал таъмирлаш.
Қурилиш ишларини якунлаш муддати — 2003 йил IV чорак.
Буюртмачи: Олтиариқ тумани «Олтиариқ» номи республика уруш ва меҳнат фахрийлари сихаттоҳи.
Манзили: Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Қизилтепа шаҳарчаси. Телефон: 2-11-84.
Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
- «Фарғонадеҳқончиликқурилиш» компаниясига қарашли 85-ХММК масъулияти чекланган жамияти 2003 йил дастурига киритилган Риштон туманининг Меҳнатобод қишлоғидаги 600/200 ўринга мўлжалланган касб-хўнар коллежини қайта таъмирлаш учун қуйидаги қурилиш материалларини сотиб олади:** изоляция, ҳар хил ёғоч, лок-бўёқ, том ёпма, пол ва девор қоплама материаллари, эшик ва дераза приборлари, балаясина, пишган гишт, металл конструкциялар, индивидуал эшик ва ромлар, 8 секцияли чўйин радиаторлари.
Буюртмачи: «Фарғонадеҳқончиликқурилиш» компаниясига қарашли 85-ХММК масъулияти чекланган жамияти.
Манзили: Риштон тумани, Бужай қишлоғи. Телефон: (8-245) 22-760.
- «Фарғонасанавотқурилишмонтаж» фирмаси 2003 йил дастурига киритилган Фарғона шаҳрида жойлашган Олимпия захираларини тайёрлаш касб-хўнар коллежи қурилиши учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади:** ҳар хил ёғоч, лок-бўёқ, том ёпма, пол ва девор қоплама материаллари, индивидуал эшик ва ромлар, шифт қопламалари, метрли тайёр буюмлар, эшик ва дераза приборлари, стеклопакетлар, гипсокартон, қурилиш гипси, бардор плитаси, ҳар хил пойдевор блоклари, тротуар плитаси, ҳар хил қоршамалар, ҳар хил йиғма темир бетон том ёпмалари, безак тошлари, дробел патрони билан, ҳар хил металл конструкциялар, пирюзга, шиша толали плита, блокли гишт.
Буюртмачи: «Фарғонасанавотқурилишмонтаж» фирмаси.
Манзили: Фарғона шаҳри, Кассирский кўчаси, 1-уй. Телефон: 23-60-24.
- «Фарғонажамоахўжаликқурилиш» трестига қарашли 82-ХММК ОХЖ 2003 йил дастурига киритилган Қувасой шаҳар Полмон қишлоғидаги 504 ўринли мактаб қурилиши учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади:** ҳар хил ёғоч, лок-бўёқ, том ёпма, пол ва девор қоплама материаллари, индивидуал эшик ва ромлар, шифт қопламалари, метрли тайёр буюмлар, эшик ва дераза приборлари, ҳар хил арматура, металлкерамика, ҳар хил мишлар, ҳар хил йиғма темир бетон том ёпмалари.
Буюртмачи: «Фарғонажамоахўжаликқурилиш» трестига қарашли 82-ХММК ОХЖ.
Манзили: Қувасой шаҳри, Чек қишлоғи.
- «Фарғонадеҳқончиликқурилиш» компаниясига қарашли 78-ХММК ОХЖ 2003 йил манзулий дастурига киритилган Риштон тумани Чек-Насридан қишлоғидаги 504 ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади:** ҳар хил йиғма темир бетон конструкциялари, ҳар хил ёғоч, лок-бўёқ, том ёпма, пол ва девор қоплама материаллари, индивидуал эшик ва ромлар, метрли тайёр буюмлар, эшик ва дераза приборлари, электрод, ҳар хил металл ва металл конструкциялари, пишган гишт, ойна, цемент, албастр, битум, ҳар хил мишлар.
Буюртмачи: «Фарғонадеҳқончиликқурилиш» компаниясига қарашли 78-ХММК ОХЖ.
Манзили: Риштон тумани, Б.Махмудов кўчаси, 30-уй. Телефон: 22-1-30.

Молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).
Телефон: 26-82-93, факс: 26-43-19.
Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кун ва вақтигача қабул қилинади.
Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кун ўтгандан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариб, етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:

- матрас;
- жун одеял;
- каравот чойшаби;
- ёстиқ;
- ок рангли чойшаб, ёстиқ ва одеял жиғдлари (спальные принадлежности);
- трикотаж шарф ва кўлқоплар;
- қишки бош кийимлар;
- пўстин (полушубок);
- ёғмирлуш (плащ-накидка);
- узун кўнжли пойабзал (ботинки с высокими берцами).

Техник ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш ва тендер ҳужжатларини тайёрлаш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 120-76-60, оператор 120-76-00, кўшимча: 26-08, 26-09, 26-11.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шохқўчаси, 3-уй.

Ташкилот авто ва қишлоқ хўжалик шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланади.

- ✓ Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- ✓ Ҳар хил русумли шиналар.
- ✓ Энг арзон нархда Тошкентдаги омборхонадан.

Маҳсулот Тошкент шаҳрида.

Ташкилотларни вилоят дистрибьютерлигига таклиф қиламиз.

Телефонлар: (998 712) 79-28-75, 79-28-73.
E-mail: urafd@rof.ru

Тошкент шаҳридаги жиний ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашган «ЛОЧИН ХИМОЯСИ»

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ФУКАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ, ЖИНОИЙ ВА ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА ҲАМДА ЮҚОРИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ЮҚОРИ МАЛАҚАДА ХИМОЯ ҚИЛАДИ.

Телефонлар: 136-73-08, 108-32-01.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Компьютер техникаси эҳтиёт қисмларини харид қилиш учун танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари эълон чиққандан сўнг 10 кун давомида қабул қилинади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шохқўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитаси.
Телефонлар: 120-76-70 (ички: 28-51), 120-76-00 (ички: 28-59).

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қайбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва мизлақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма № 518, 29520 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Об'ект узунлиги босилган.
Қўлдан бичими А-3.

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамилда ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Тахриратда ҳажми 5 қўлдан эълм материаллар қабул қилинмайди.
□-Тижорат материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусоҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошпирини вақти — 21.00
Тошпирилди — 21.30 1 2 3 4 5 6